

Жума куни алоҳида либос кийиш



04:00 / 30 август 4048

Асмо розияллоху анҳонинг озод бўлган қули Абдуллоҳдан ривоят қилинади:

«Асмо менга уйларида уринган бир жубба олиб чиқиб бердилар. Жуббанинг ёқаси қабариқ бир газламадан эди, этакларига ҳам шундай қабариқ газлама тикилган эди. Асмо: «Бу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг жуббаларидир, уни одатда жума куни ёки элчилар келганда кияр эдилар», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Жума, ийд ва одамлар жамланадиган йиғинлар учун манманлик ва кибрдан узоқ бўлган ҳолда ясениш мустаҳабдир.

“Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар” китобидан